



O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI

**IJTIMOIIY-GUMANITAR FANLAR
YO'NALISHI**

ВЕСТНИК НУУЗ

АСТА НУУЗ

**1/4
2019**

МУНДАРИЖА

Тарих

Абдуллаев Д. Жаҳон мамлакатларида хайрия ва ҳомийликнинг ривожланиш тарихига доир	3
Аллаберганова Ш., Курбонов Н. Ўзбекистонда сейсмик жараёнларни тадқиқ этилишининг илмий асослари	8
Ерметов А. Ўзбекистон ички ишлар органлари фаолиятининг назарий-концептуал асослари (совет даври)	15
Исмоилов О. Туркистон халқлари ижтимоий-маданий ҳаёти тарихидан (XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари)	22
Курбонов Н. Ўзбекистонда сейсмик жараёнларнинг ўрганилиш тарихи	25
Махмудов О. Ўрта аср Европа таржима маркаларида Ал-Фаробий илмий меросининг ўрганилиши	31
Мирзаев Ғ. Ўзбекистон республикасининг Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлиги ривож ва истикболи тарихидан	36
Равшанов Ш. XX аср бошида Россиядан Туркистонга кўчирилган аҳолининг ижтимоий ҳаёли (архив ҳужжатлари таҳлили асосида)	40
Хакназаров Х. Марказий Осиё ёшларининг бўш вақтдан фойдаланиш маданияти (этносоциологик тадқиқот)	44
Холиқова Р. XIX асрда Бухоро амирлигидаги ҳунармандчилик ва савдо алоқалари	48

Фалсафа. Педагогика. Методика. Социология

Ahmedova D. Monolingual dictionaries as effective tool in efl teaching	52
Алибоев С. Электрон таълим тренажёрини яратилишнинг методик асослари	55
Абдуллаева Д. География фани ўқитувчиларининг малака ошириш жараёнида электрон ахборот таълим ресурсларидан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш	59
Агабаев Ш. Ёшлар ўртасида террористик мафкураларни олдини олишда толерантлик маданиятининг ўрни	64
Алимова Ф. Проблема формирования информационных компетенций у будущих педагогов химии	68
Аллаярлов О. Интернет – оммавий сиёсий коммуникация воситаси сифатида	72
Аминова Н. Ижтимоий тарққийтда маънавиятнинг ётақчилик моҳияти	77
Артиков А. Футболчиларда техник усулларнинг мақсадли аниқлигини такомиллаштириш	82
Аҳмедова Н. Бўлажак шифокорларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг педагогик хусусиятлари	87
Ахророва З. Узлуксиз таълимда педагогик технологиялар таснифи, таҳлил ва натижалар	91
Ахунова М. Таълимга замонавий ёндашув – бўлажак кадрларни тайёрлашнинг муҳим омили	95
Ғозиев З. Сўфи Оллоёр илм аҳли сифат ва фазилатлари тўғрисида	99
Дадабаев О. Обоснование эффективных средств юных лэоидистов на этапе предварительной подготовки	104
Дустова У. Таълим рус тилида олиб бориладиган гуруҳларда ўзбекча миллий руҳни англаш ҳиссини ривожлантиришнинг илмий асослари	108
Закирова Н. Хотин-кизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги масаласи бугунги кундаги оммавий ахборот воситалари талқинида	111
Исмоилова Х. Талабалар маънавиятини ривожлантириш тамойиллари	114
Кадилов М. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг стратегик омиллари	118
Курбанова А. Таълимни ахборотлаштириш ва бўлажак санъат ва маданият ходимларининг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг ўзаро алоқадорлиги	122
Нисонов О. Алпомиш достонидаги этномаданий хусусиятлар	126
Рузиева Г. Замонавий шароитда мактабгача таълим тизимини модернизация қилишнинг ҳуқуқий жиҳатлари ..	129
Сайдуқов Н. Ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш заруряти: муаммо ва ечимлар	133
Саҳиева М. Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини шакллантириш бўйича амалий тажрибаларнинг назарий талқини	136
Тилакова М. Условия развития креативных способностей у восьми-девяти классников	142
Шодмонов Б. Ўзбекистон тарихида илмий салоҳиятли ёш кадрлар тайёрлашнинг устувор тамойиллари	145
Ўринов У. Таълимда ўқув мақсадларини ҳамда таълим методлари ва воситаларини танлаш	152
Qulatova S. Ijtimoiy – psixologik: axborot-xavfsizligining asosiy meʼzoni	156

Филология

Ahmedova D. Monolingual dictionaries as effective tool in efl teaching	159
Абдуллаева Д., Раззокова Л. Ҳошимжон Раззоқовнинг тарихий драмалари хусусида	162
Абдуллаева Р. Проблемы обучения русскому языку как языку специальности в медицинских образовательных учреждениях республики Узбекистан	166
Анарбаев О. Инглизча қўшма сўзларнинг ўзига хос хусусиятларига доир	171
Арзиева Д. “Бобурнома” асарида ҳисоб сўзларининг қўлланиши	175
Аҳмедова Г. Диалогик нутқни ўстириш воситалари, шарт-шароитлари, метод ва усуллари	178
Аҳмедова М. Миллий тилдаги жаргонларнинг психоллингвистик таҳлили	184
Ахроров А. “Нутқ маданияти”нинг алоҳида фан сифатида ўрганилиши масаласи	188
Валиев Т. Ўзбек тили йўл-коммуникация терминларини тадқиқ қилиш муаммолари	192
Davlatova M. Aspectual and lexical-semantic classification of verbs	197
Қаҳарова И. Ҳис-ҳаяжон гапларининг структурасига хос белгилари	200
Раҳмонов У. Ҳозирги замон инглиз тилида эмоционал маъно ва тил тарққийти қонуни	204
Сотволдиев Б. Сленгда аббревиатура (abbreviation)ларнинг структурал-семантик таҳлили	208
Ўсаров И. Ҳозирги замон когнитив тилшунослигида синтактик стилистик воситалар/стилемалар назарияси ҳамда анафора масаласи	213
Худойқулов М. Ҳозирги замон журналистикасининг тамойиллари	217
Юсупова Д. Аруз доираларининг компаративистик таҳлили	221
Якубов С. Алишер Навоий олмон тилида	226



УДК 372.881.1(072)

Гулноза АХМЕДОВА,

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти ўқитувчиси

E-mail: nodiraxon1991@mail.ru

MEANS, CONDITIONS AND METHODS OF IMPROVING DIALOGIC COMMUNICATIONS

Abstract

This article recommends over ten types of trainings activating on the base of ethics and several methods of assimilating Uzbek speech stamps by the students of the modern Russian and other educational establishments. In this order of study these sentences in providing of activation should be done by teachers, who have profound awareness of impact of oral trainings, proper choose of means, conditions, methods and ways in forming behavioral manners of communication. In other words, speech stamps, and rules of communicative behavior is developing in stages and gradually being included in the combination of arising new and new communicative situations.

Key words: revitalization – activating, communicative behavior – manners in conversation, eastern communicative conversation – national communicative conversation.

СРЕДСТВА, УСЛОВИЯ, МЕТОДЫ И СПОСОБЫ ПОВЫШЕНИЯ ДИАЛОГИЧЕСКОЙ РЕЧИ

Аннотация

В статье рекомендуются свыше десяти видов упражнений активизирующие на основе этикетов и некоторые методы усвоения узбекских речевых штампов студентами современных русских и других образовательных учреждений. В таком порядке в обучении этих предложений в обеспечении активизации целенаправляется от учителя глубокое осознание значимости устных упражнений, правильный выбор средств, условий, методов и способов формирования поведенческих манер общения. Иными словами, и речевые штампы, и правила речевого поведения совершенствуются поэтапно и постепенно включаются в комбинации совершающиеся в новых и новых речевых ситуациях.

Ключевые слова: оживление – активизирование, речевое поведение – манеры при разговоре, восточное речевое общение – национальное речевое общение.

ДИАЛОГИК НУТҚНИ ЎСТИРИШ ВОСИТАЛАРИ, ШАРТ- ШАРОИТЛАРИ, МЕТОД ВА УСУЛЛАРИ

Аннотация

Мақолада бугунги таълим рус ва бошқа тилларда олиб бориладиган таълим муассасалари талабаларига ўзбек этикетларини сингдиришнинг бир неча усуллари ва улар нутқини қолип-гаплар асосида фаоллаштирувчи ўндан ортиқ машқлар тури тақлиф этилган. Шу тартибда бу гапларни ўргатишда фаолликни таъминлаш ўқитувчидан оғзаки машқларнинг аҳамиятини чуқур билган, муомала одоби қодаларини тавозели ва лутфона ҳаракатлар билан биргаликда адо этишни шакллантиришнинг восита, шарт-шароитлари ҳамда метод ва усулларини қўшиб олиб боришни кўзда тутди. Бошқача айтганда, қолип-гаплар ҳам, муомала одоби қодалари ҳам тадрижий равишда мураккаблашиб, янгидан-янги нутқий вазиятларда юз берадиган комбинацияларга киритиб турилади.

Калит сўзлар: жонлантириш – фаоллаштириш, мулоқот одоби – нутқдаги манералар, шарқона нутқий мулоқот – миллий нутқий мулоқот.

Кириш. Ўзбек тилини эгаллаш нутқий мулоқот жараёни туфайли доимо янгиланиб, такомиллашиб, ўзгартирилиб борилади. Ушбу жараёнда таълим олувчилар ўрганилаётган диалогик бирликлар бойлигига эга бўлишдан ташқари, улардан нутқда фойдаланиш, турли нутқий вазиятларда нутқий вазиятлар муносабати билан мустақил фикрлаш лаёқатини ошириб борадилар.

Методист олима Г.Х.Жумашева таъкидлаганидек, айтиш мумкин бўлган «нутқий фаолиятлари асосидаги машқлар учун зарур барча шарт-шароитларни вужудга келтириш йўли билан уларнинг тил сезгирлигини ўстириш лозимлигини таъкид қилади».

Таълим олувчи биринчи навбатда ўзбек тилидаги қолип-гаплар, шаблон сўз ва ибораларнинг маъно-мазмунини билишлари керак. Бунинг учун мазкур тил ходисалари келтирилган машқ материаллари рус тилидаги эквивалент таржималари билан таъминланган бўлиши зарур. Чунки, эквивалент таржималарни аниқлаш ўта қийин иш. Кузатишлардан маълумки, агар таълим олувчиларга: «Қуйидаги луқмаларни эслаб қолинг ва нутқингизда фойдаланинг» деган топшириқ берилса, бу билан таълимий мақсад тўла рўёбга чиқмайди, мавжуд муаммолар ҳал бўлиб қолмайди. Болалар ўзлари маъно-мазмунини тушунмаган, рус тилидаги эквиваленти орқали англамаган ҳолда қолип-гапларни

кўр-кўрона ўзлаштиришлари (ёд олишлари) мумкин, холос.

Қолип-гаплар устида янги лексик бирликлар билан ишлаган каби ҳам маъно-мазмунини очиш ва қайси вазиятларда ишлатилиши ҳақида изох бериш, ҳам талаффузини (оҳангини) ўргатиш, шундан кейингина нуткий намуналар орқали қўлланиш соҳаларини кўрсатиш тарикасида иш олиб боришни маъқул топдик. Бу усулни амалиётда кенг тарқалган «Диалог (ёки суҳбат) намуналарини (мурожаат лукмаларини) ўқинг» деб бошлаш усулига қарши қўйдик: маъно-мазмунини билмасдан, қайси нуткий вазиятда ишлатилишини тасаввур қилмасдан, талаффузини ўрганмасдан туриб намуналарни ўқиш тегишли ифоданинг бўлмаслигига, хато талаффузга сабаб бўлади. Илк бор нотўғри ўқилган гап ёки сўз эса кейинги босқич иш турларига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказмай қолмайди.

Асосий қисм. Тадқиқотимиз давомида таълим рус ва бошқа тилларда олиб бориладиган таълим муассасалари талабаларига ўзбек этикетларини сингдиришнинг бир неча усулини таклиф этамиз:

1) таркибан англаш мумкин бўлганларини: – Демак, масала ҳал: – Значит все решено: – Яна кимда таклифлар бор? – У кого есть ещё предложения?

– Албатта келаманми – Обязательно приду деб сўзма-сўз таржима қилади.

2) лексик аснода ўрганиш мумкин бўлганлари: – Қойил! – Зўрсан-ку! ни таълим олувчи – Bravo! – Какой ты молодец! ёки Какой ты классный деб таржима қилади. – Хўш, қулоғим сиздани – Я вас слушаю деб маъно вариантларини келтиради.

Иккинчи турдаги қолип-гапларни таълим олувчи 8-9-синфларда ёки лицей ва олий ўқув юртида ўрганиши мақсадга мувофиқ. Бу даврда уларнинг мантикий тафаккури бирмунча ривожланган бўлиб, уларни ўзлаштиришга осонлик билан эришади.

3) грамматик аснода ўргатиш мумкин бўлганлари: – Йўқ, асло ни – Нет, вовсе, никогда. – Ахирни – Наконец, в конце концов, же, ведь, разве деб ўгириш мумкин.

Навбатдаги иш тури – айрим қолип-гапларнинг, мулоқотда ишлатиладиган сўз ва ибораларнинг қайси нуткий вазиятда қўлланишини изохлашдир. Бошланғич босқичларда (2- ва 3-, қисман 4-синфда) изох дастлаб рус тилида, сўнг имкониятга қараб ўзбек тилида берилади. Юқори босқичларда рус тилидаги тушунтиришларга камроқ мурожаат этиш лозим бўлади. Шундай йўл туттиш мумкинлигини ўтказилган тажриба дарслари ҳам тўла тасдиқлаб берди.

Умуман, изохларни уч хил йўл билан тақдим этиш мумкин:

1) машқда уч устун ажратиб, биринчисида ўзбекча қолип-гап, иккинчисида унинг русча муқобили, учинчисида қайси нуткий вазиятда ишлатилишига доир изох бериш;

2) машқда қолип-гаплар рўйхатидан кейин тегишли қолип-гапни тилга олган ҳолда қўлланишига доир изох келтириш;

3) изохни оғзаки равишда баён қилиш.

Янги тил материали дарсликда бўладими ёки слайд орқали намойиш этиладими, ўқитувчи уларни, хусусан, қолип-гапларни ёки диалог намунаси лукмаларини ўқиб беради, таълим олувчилар унга таклидан такрорлайдилар. Масалан, «Қойилман!» лукмаси хитоб ўрнида ишлатилганда ҳис-ҳаяжон билан, «Ўаббай» лукмаси урғуни биринчи бўғинга тушириб, «Дуруст» лукмаси дарак оҳангида ўқилади. Ҳар бир лукма турининг ўз қўлланиш вазияти бўлганидек, ўз талаффуз оҳанги ҳам мавжуд. «Қойилман» лукмаси «Қойилмисан?» сўрок гапига жавоб бўлиб келса, у ҳам дарак оҳанги билан айтилади.

Слайдда юқорида кўрсатилган мазмунда келтирилган янги тил ходисаларини тинглаб тушуниш ва уларнинг ва ёзилишини билиб олиш, диалог матнини яратаётганда ёзма равишда ифодалаш кўникмаларини мустаҳкамлашга эътибор қаратиш зарур бўлади. Шунингдек, маълум босқичда тақдимот технологияси қолип-гаплар рўйхати буйича ишни самарали ташкил қилиш, вақти-вақти билан такрорлаб бориш имконини беради.

Ўқиш пайтида осон бўлсин учун фақат ўзбекча қолип-гаплар, шаблон сўз ва иборалар билан ишланади, яъни лукмаларнинг русча таржималари ўқилмайди, бу шарт ҳам эмас. Таълим олувчи таржимани кўз югуртириб овоз чиқармай ўқир экан, ўзбекча қолип-гапнинг маъно-мазмунини таржимасидан билиб боради.

Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларни янги тил материаллари (айниқса, шаблон сўз ва иборалар, қолип-гаплар) билан таништиришда олимпиада Н.З.Умарова тавсия этган «Тақдимот технологияси»дан фойдаланиш яхши самаралар беради. Бунда келажакда яратилажак электрон дарслик материали сифатида ушбу тил ходисаларини рус тилига қиёслаб тушунтириш, ишлатиладиган ўринлар, вазият ва ҳолатларни англаш, муомала одоби билан боғлаш мазмундаги машқлар ҳавола қилиниши таълим олувчиларнинг янги билимлар билан старли даражада фикр доирасини кенгайтиради.

Ўқиш учун баъзан диалог матни намунаси ҳам тақдим этилади. Ёшлар матндаги лукмани бир неча мартадан такрорлайдилар, яъни талаффузни машқ қиладилар.

Диалог намунасини ўқиш устидаги ишлар якунлангандан сўнг давоми нима бўлиши керак, деган савол туғилади. Албатта, оғзаки нутқда қўллаш машқига ўтиш лозим. Таъкидлаш зарурки, амалиётда кўп бажариладиган машқ тури – нукталар ўрнига тегишли қолип-гапни қўйиб ўқиш уни мустаҳкамлашга ёрдам бериши мумкин. Лекин, қолип-гапни эслаш, нукталар ўрнига қўйиб матнни ўқиш оғзаки нутқ эмас. Машқнинг оғзаки бажариладиган тури, яъни сўзлашув билан кечадиган тури кўпроқ асосий мақсадга мос келади. У ҳолда машқ қандай бўлиши керак? Оғзаки нутқ ўстириш тарзидаги машқ ўтказилиши даркор. Намуна асосида ўз диалогини яратиш, ўзаро сўзлашиш ана шундай машқ тури саналади.

Х.Муҳиддинова, М.Юсупова, Н.Икромова, Г.Ақромовалар ҳаммуаллифлигида 8-синф учун

ёзилган «O'zbek tili» дарслигининг 122-машкида диалогдаги бўш ўринларни тўлдириш, роҳларга бўлиб ўқинг, деган вазифа берилган:

– Кечирасиз, сиз шу рейс билан Нукусга учасизми?

– Ҳа, бир илтимосим бор эди: шу хатни бир дўстимга бериб қўйинг.

– Яхши, аммо уни танимайман-ку.

Диалогда қолип-гап, шаблон сўз-гап ва структураси ўрганиладиган гаплар аралаш ишлатилган. Бу ердаги «кечирасиз», «яхши» сўзлари қолип-гап, шаблон сўз-гаплар сирасига киради.

Бу каби бошланиши келтирилган диалог намуналарини мазмунига ўзгартишлар киритган ҳолда ижро этиш мумкин. Бунда рейс (училадиган томон) номи ва учмоқчи бўлиб турган кишидан қилинадиган илтимос ва ушбу илтимосга қайтариладиган жавоб, диалогнинг бирор лўкма билан давом этиши кўзда тутилиши мумкин. Дарсликда бўлмаган ҳолатларда ана шундай диалогик матн намуналарини тузиб чиқиш ўқитувчининг зиммасига юкланади.

Русийзабон таълим олувчилар давлат тилида эркин фикр алмаша билишлари учун қуйидаги каби машқ турлари ва топшириқлар бажарилмоғи мақсадга мувофиқдир:

1) қолип-гапларни ўзбек тилидан рус тилига таржима қилиш;

2) аксинча, уларни рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиш;

3) берилган нутқий вазиятга мос қолип-гапни айтиш, нукталар ўрнига қўйиш, кўчириш;

4) берилган изоҳлар асосида мос қолип-гапларни айтиш;

5) қолип-гап асосида тегишли нутқий вазиятни айтиш;

6) ўрганилган қолип-гапларни қатнаштирган ҳолда диалог тузиш ёки ўзаро сўзлашиш;

7) «Қолип-гаплар билимдони» ўйинини (мусобақасини) ўтказиш;

8) қолип-гаплар асосида диктант ёзиш;

9) берилган қолип-гапларни тўғри талаффуз қилиш (назорат машқи);

10) берилган мавзуда диалогик шаклда ўзаро сўзлашиш, зарур ўринларда қолип-гаплар, шаблон сўз-гаплардан фойдаланиш.

I. Қолип-гапларни ўзбек тилидан рус тилига таржима қилиш талаб этиладиган машқларнинг аҳамияти шундаки, улар таълим олувчилар шундай лўкмалар мазмунини тушунишга доир билимларни мустаҳкамлаш, ўзбекча қолип-гапларни, шаблон сўз-гапларни рус тилида ифодалашда сўзма-сўз қилинадиган таржима (ўғирмалар)дан фаркли ҳолатларда лексик ва грамматик қийинчиликларни бартараф этиш, икки-уч хил таржималардан рус халқи маданиятига мосини танлаш, баъзан бугунлай тафовутланадиган эквивалент ўғирмаларни амалга ошириш кўникмаларини шакллантириш имконини беради.

Қолип-гапларни рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиш: Қолип-гапларни ўзбек тилидан рус тилига таржима қилиш учун бериладиган машқ

материали сифатида дастлаб яқин 5-6 дарс мобайнида ўрганилган лўкмаларни тавсия қилиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ўғирма чоғида таълим олувчилар қолип-гапларнинг икки тиллик лўғатини ёдга келтириш йўлини танлайдилар. Узок ўтилган қолип-гапларни таржима машқлари орқали такрорлашда аввал рус тилига сўзма-сўз таржима бериш мумкин бўлган жумлалар танлангани маъқул. Таълим олувчилар ўзбекча сўзларни, сўз шаклларини рус тилида ифодалаш амалларини бажариш билангина машғул бўлишлари қутилади. Бунда қийинчилик чегараланган даражада бўлади.

II. Қолип-гапларни рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиш таълим олувчиларнинг билим савиясини вақти-вақти билан назоратдан ўтказиб туриш имконини ҳам беради. Гапларни рус тилидан ўрганилаётган тилга ўғириш жараёнида учрайдиган лексик ва грамматик хатоларнинг олдини олиш учун ўзбек маданияти, ўзбек халқига хос жиҳатлар эслатиб борилишида машқнинг тарбиявий томони юзага чиқади.

Иккала тилда қолип-гаплар лексик жиҳатдан ҳам, грамматик жиҳатдан ҳам мос келадиган ҳолатларда сўзма-сўз таржима қилиш усули танланиши мумкин. Ўзбек тилидаги қолип-гапларни рус тилига, русча ўғирмаларни яна ўзбек тилига сўзма-сўз таржима қилиш имконияти мавжуд бўлган ҳолатлар машқда осонлик туғдиради. Масалан: Ишлар қандай (қалай)? – Как дела? Сизга омад тилайман! – Желаю Вам удачи!

Таълим олувчи акс таржимада (русчадан ўзбекчага) гапда сўз тартиби билан боғлиқ қийинчиликка дуч келади, холос. У ўзбек тилида феъл-кесим гапнинг охирида келишини яхши билади.

Ўзбек тилидаги қолип-гапни ташкил этган икки сўздан бири рус тилида ўз лўғавий маъносига мос ифодаси билан берилмай, бутунлай бошқа сўз орқали ўғирилса, таълим олувчи лексик қийинчиликка рўпара келади. Масалан: Оқ йўл! – Доброго Вам пути. (светлого пути).

Таълим олувчилар акс таржимада как сўзини яхши, светлый сўзини оқ деб ўзбек тилида ифодалаш керак. Бунинг учун у баъзи қолип-гапларда ўзбекча сўз рус тилида бутунлай бошқа сўз билан берилиши мумкинлиги ҳақида маълумот олиб, шу каби гапларни русча ифодаси билан эслаб қолишга ҳаракат қилмоғи лозим.

Қолип-гапдаги сўзларнинг иккаласи рус тилида бошқа-бошқа сўзлар билан ифодаланадиган ҳолатларда таълим олувчилар яна ҳам қийинроқ вазиятга тушадилар. Масалан: Яхши юрибсанми? – Как поживаешь? Отинг нима? – Как тебя зовут? Яхши ётиб туринг! Доброй ночи! Спокойной ночи!

Лексик ёки грамматик жиҳатдан фаркли ҳолатларда тафовутланиш билан боғлиқ билимлар, ўзбек халқига хос миллий жиҳатларни ўзлаштирган бўлиш талаб этилади. Ҳам лексик, ҳам грамматик томондан айримланган ўзбекча қолип-гапларнинг рус тилидаги муқобил ифодасини ёд олдириш чорасини кўрган маъқул.

III. Нукталар ўрнига қўйиш, кўчириш талаб этиладиган машқлар таълим олувчиларда бирор сўзи эсга тушган қолип-гапнинг бошқа сўзларини ҳам ёдга келтириш кўникмаларини ҳосил қилишга ёрдам беради. Масалан: ... боринг! ... келибсиз! ... юрибсанми? Гапларида боринг сўзи яхши, келибсиз сўзи хуш сўзини, юрибсанми сўзи яхши эслаш учун туртки, таянч вазифасини ўтайди. Бу ўринда сўзлар, тушунчалар ўртасидаги доимий алоқа, ассоциатив боғланиш ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Машқ учун 10 тадан қолип-гап тавсия этилгани маъқул. Бу нарса шунча гапли карточкалар тузиш учун имкон бериб, қатъий назорат олиб бориш имконини беради.

IV. Берилган нутқий вазиятга мос қолип-гапни айтиш;

–Ўртоғинг касал бўлиб, соғайгач мактабга келди. Унга нима дейсан?

(–Тузукмисан?)

–Транспортда кекса одамга жой беряпсиз, нима деб ўрнингиздан турасиз?

(–Келинг, мана бу жойга ўтиринг!)

–Ўйингизга меҳмон келса, уни нима деб кутиб оласиз?

(–Келинг, уйга кириш)

V. Берилган изоҳлар асосида мос қолип-гапларни айтиш сўраладиган машқлар ҳам нутқий вазиятлар яратишнинг бир усули саналади. Масалан: «Тузукмисан?», «Хорманг!» Бундай машқлар унинг функционал моҳиятини тўлиқ англаб етиш учун хизмат қилади. Масалан, «Яхши қолинг» лўкмаси қачон айтилади? Бу саволга ўқувчи: «Кимдир узок йўлга отланса, уйда қолаётган яқин кишисига шу гап айтилади. «Отинг нима?» саволи қачон берилади? Таълим олувчилар: Икки суҳбатдош бир-бири билан танишмоқчи бўлса деб жавоб берадилар. Албатта, рус тилида сўзловчи таълим олувчи бирданига ўзбек тилида нутқий вазиятни таърифлаши қийин.

VI. Ўрганилган қолип-гапларни қатнаштирган ҳолда диалог тузиш ёки ўзаро сўзлашиш нутқий машқларнинг пировард натижалари ҳисобланади. Чунки қолип-гаплар, шаблон сўз-гаплар, иборалар ёлғиз ҳолда эмас, аксарият ҳолатларда диалогик шаклдаги матн таркибида, сўзлашувда ишлатилади.

VII. Дарсда ташкил этиладиган ўйинлар диалогик бирликларни нутқий вазиятлар билан боғлаб ўзлаштиришда, тегишли кўникма ва малакаларнинг шаклланишида муҳим ўрин тутати.

Методист олима Х.Мухитдинова Е.И.Пассовнинг фикрларига таянган ҳолда шундай ёзади: «Машғулотлар пайтида шартли мулоқот вазиятини юзага келтириш учун, масалан, расм ёки видеолархаларни кўрсатиш ва ўзбек тилида унинг оғзаки ёки ёзма баёнини сўраш, ўйин машқларидан фойдаланиш, тақдирот дарсларини ташкил этиш, иш ўйинларидан фойдаланиш, яъни касбий мулоқот вазиятини ҳосил қилиш йўли билан ҳақиқий мулоқот шароитига анчагина яқинлашадиган шартли мулоқот шароитини ҳосил қилиш мумкин».

Ўйин характеридаги иш усуллари кўп: саҳналаштириш, ролли ва иш ўқинлари, викториналар, мусобақалар ва турли танловлар.

Н.А.Ипполитова ролли ўйинларнинг аҳамияти ҳақида шундай дейди: «Ролли ўйин – чет тилда саҳналаштириш болаларга зарур сўзларни ва ибораларни ўзлаштириш, оҳангни машқ қилиш имконини беради, бола нутқининг образли ифодалилигини ривожлантириш имконини беради. Таълим олувчилар ўйнар эканлар, ўз фантазияларини намойиш эта оладилар, уларнинг шахси камол топади, ижодий имкониятлари ривожланади. Бола одамлар орасидаги ўзаро муносабатларни чуқур англай бошлайди. Станциялар бўйича ўргатиш – муҳтор таълим шаклларида бири, шахсиятли-фаолиятли методикадаги мотивацияни ошириш методи. Бу таълим олувчиларнинг эркин ишлаш шакли, унинг жараёнида чет тил материали мустаҳкамланади, чуқурлашади ва такомиллашади. Ушбу методнинг асосий шарт – ўқув ўйинли фаолият натижалари бўлиб, бола ҳар бир бажарилган топшириқдан сўнг ўзини ўзи текширади ва бегуноққа балларни, баҳоларни киритади (ҳар бир топшириқ юзасидан қалитлар мавжуд бўлади).

«Қолип-гаплар билимдони» ўйинини (мусобақасини) ўтказиш; «Йўл-йўлакай суҳбат» ўйинида бошловчининг қўлига бир неча мавзу рўйхати (масалан, «Меҳмон кутиш», «Меҳмонга бориш» ва б.) бериб қўйилади; у мавзулардан бирини маълум қилиб, навбатма-навбат ҳар бир қатнашчига юзланади, бу қатнашчи мавзу бўйича ўзи билган қолип-гапларни айтади: «Хуш келибсиз», «Хуш кўрдик», «Омон бўлинг», «Қулоғим сизда». Тилга олинмаган қолип-гапларни эслаш кейинги таълим олувчилардан сўралади. Қолип-гап айтолмаган таълим олувчи ўйиндан чиқади. Бошқалардан кўра кўпроқ этикет сўзларни айта олгани ғолиб бўлади.

«Сергак бўл» усулида ўйин шартлари турлича бўлади. Масалан, бошқарувчи хаттахта ёнида турган таълим олувчиларга диалог матнини диққат билан кўриб чиқишни ва қайси ўринда қандай қолип-гап борлигини эслаб қолишни тақлиф қилади. Сўнгра аудитория таълим олувчилари томон ўгирилишни айтгач, қолип-гапларнинг ўрнини алмаштириб қўяди. Улар қолип-гапларни ўз жойига тиклаб қўйишлари керак бўлади. Хаттахта ёнида турган икки (уч ёки тўрт) таълим олувчилардан қай бири вазифани тўғри бажарса, у ғолиб саналади. Ўйин қолип-гапларнинг ўрнини эслаб қолиб ёки матндаги лўкмаларга таяниб тиклаш орқали («Айланай», «Барақалла», «Яхши қолинг») матнни ўзлаштириш имконини беради.

VIII. Қолип-гаплар асосида турли хил таълимий ва назорат типидagi диктантлар ёздирилади.

IX. Берилган қолип-гаплар асосида тўғри талаффуз қилиш, рус тилига ўгириш, бирор нутқий вазиятга мосини танлаш ва бошқа шу каби назорат машқлари ўтказилади.

Н.В.Ладиженская таълим олувчиларга юбилей, битирув кечаси, мактаб байрами ва ҳ.к. муносабати билан мақтов сўзларини ўргатишда, болалар мактаб бўйича, мактаб музейига, шаҳарнинг эътиборли жойларига ва ҳ.к.ларга саёҳат қилганда саёҳат билан боғлиқ нутқни ўстиришда экскурсиядан

фойдаланиш йўллари ҳақида ўз тавсияларини баён қилади:

– Келинлар, хитоб қилайлик, бир-биримизга қойил қолайлик. Баландпарвоз сўзлардан кўрқмайлик. Келинлар, бир-биримизга яхши сўзлар билан гап ташлайлик. Ахир буларнинг ҳаммаси бахтиёр онларни ифода этади-ку! Келинлар, қайғуга чўмайлик ва очикчасига йиғлайлик.

У куйидаги саволларни ҳавола қилади:

– Қайси нуткий жанрда баландпарвоз сўзлардан кўркиш керак эмас?

– Мактов сўзи бир-бирига гап отишдан нимаси билан фарқ қилади?

– Сиз қайси вазиятларда мактов сўзини айта олдингиз?

Педагогика фанлари доктори, профессор С.В.Юртаев «Содержания языкового образования и речевого развития» номли илмий мақоласида қабул қилинган маълумотларни хотирада ушлаб қолиш қобилияти, уларни сақлаш, жавоб рефлексияси болаларнинг мурожаат нутқини ўзлаштириш базаси сифатида вужудга келади: сўзларни лексик маъносини тушунтириш, қабул қилинаётган ахборот билан ҳаёт тажрибасида мавжуд бўлган ахборот билан мослиги, умумлаштирувчи характердаги маълумотларни янги ахборот маълумотларига айлантириш, диққатни тўплаш, жавоб бера билишга тайёргарлиги олиб борилади.

Гапирганда киши онгида нутқни ифодалашга доир режа ишга тушади.

Фикрни ифодалаш у кимга мўлжалланганлиги, қайси нуткий вазиятда ўринга эга бўлишини ҳисобга олади. Бундай сўзларни танлаш улар маъносининг эмоционал-экспрессив бўёғига боғлиқ бўлади. Дарс жараёнида жумлалар мазмуни, турлари, типлари ўқитувчи томонидан буюрилади. Ўқитувчи нуткий ҳаракатларга чақиради. У болалар диалогларда қатнашишларига, ахборот беришга, даракни тузишга, тавсифлаш, муҳокама элементларини ишлатишларига ҳаракат қилади. У орфоэпик меъёрларга амал қилиш, адресатга хушмуомалалик билан мурожаат қилишга ўргатади. Сўзлар, нуткий этикет, матн ҳақидаги билимларни тўғри талаффуз қилиш асосан бу ҳақидаги тасаввурлар орқали олиб борилади.

М.А.Хегай «К вопросу обучения русскому языку по речевым моделям в узбекской школе» методик қўлланмасида: «Атрофдаги шароит ҳақидаги суҳбат, расм асосидаги суҳбат ва бошқалар диалогик нутқнинг вазиятчилигини кўргазмали бўлиш шакли ҳисобланади. Нуткий вазият ўрганилаётган адабий асарлардан сунъий ўйналган вазиятлар, ўқувчилар ҳаётидаги далиллар имитацияси асосида яратилиши мумкин. Моделлар нафақат нутқни вазиятчилиги нуктаи назаридан, балки ўрганилган нуткий моделлар ва сўзларнинг янгида мустаҳкамланиши, ўтилганларни тизимли ва режали такрорланишини ҳисобга олиб танланади ва тузилади».

Ю.Н.Абдуллаев, А.М.Бушуй «Краткая история развития методики обучения иностранным языкам: от постановки чтения к речевому общению»

қўлланмасида таъкидлашларича, «Психологлар тилшуносликдаги таълим олувчиларнинг кизикишлари ва интилишларига қарши борган ҳолда тилни ўргатиб бўлмайди, деган фикрга мувофиқ шундай ҳулосага келдиларки, уларда мавжуд бўлган перцепция ва таҳлил тажрибаси янги вазиятларга ўтади. Нуткий мулоқотга ўргатиш она тилининг предметли интерфе-ренцияси билан боғлиқ. Магазинда, почтада, вокзал ва бошқа жойдаги нуткий ҳулққа ўргатаётганда таълим олувчилар бу вазиятларга мувофиқ хорижий тил ҳақиқатини ҳам ўзлаштиришлари зарур.

Қолип-гаплар устида ташкил этиладиган талаффуздан тортиб қўллашгача бўлган иш турларининг деярли барчасида муомала одоби қоидалари таъкидлаб борилади. Бундай билимлар мулоқотни жонлантирибгина қолмай, ушбу жараёнда суҳбатдошларнинг диалог шаклида сўзлашув чоғида ўзини тутиши, бир-бирига тавозе кўрсатиши, одоб-ахлоқ доирасида бир-бирига қиладиган мурожаат шакллари ўз ичига қамраб олиб, реал ҳаётдаги улоқотга яқинлашади. Уни эгаллаган таълим олувчиларнинг шарқона нуткий мулоқот маданияти ривож топади, ёшлар турмушда ўзбек тилидаги диалогик шаклдаги сўзлашувда юзага келадиган нуткий вазиятларга старли тайёргарлик кўрган бўладилар. Зеро, жамиятда суҳбатдошлар бир-бирларининг ижтимоий мавқеларини, бир-бирларига бўлган муносабатлари-ни акс эттириб мурожаат этишлари, буларни нуткий ва нуткий бўлмаган мулоқот унсурлари орқали ифода қилишлари даркор. Шахснинг жамиятда тутган ўрни, мавқеининг сўзлашувга таъсирини А.Қаххорнинг «Ўғри» хикоясидан яққол кўриш мумкин.

Ўқитувчи ҳар сафар нуткий мулоқот одобига доир бирор янги билим беришга киришар экан, ишни пухта лойиҳалаштириб олишдан бошлаши керак.

Дастлабки дарсда таништириш-кўрсатиш методидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу методни ёлғиз эмас, қиёслаш усули билан бақамти қўллаш керак. Шу мақсадда ўқитувчи «Ўзбек тили» дарсликларида кенг ишлатиладиган намуна вариантыга мурожаат этади. Чунончи:

– Ада, сиз бугун ишга бордингизми?

– Ҳа, бордим.

– Валя, сен китобни топдингми?

– Ҳа, топдим.

Намуна таълим олувчиларга дабдурустан ўқитилмайди. (Биз шу ўринда дарсликлардаги бу каби машқларни бажариш ишларини ташкил этишни фарклантирдик.) Ўқитувчи таълим олувчиларга: «Ўйдагилар билан қандай сўзлашган бўлардингиз? Масалан, адангиз ишга борган-бормаганлиги, укангиз ёки синглингиз китобни топган – топмаганлигини нима деб сўрайсиз?» – деб рус тилида нуткий вазиятни маълум қилиб, шу суҳбатни юзага келтиришни топширади. Таълим олувчилар:

– Папа, ты был сегодня на работе?

– Да, был.

– Валя, ты нашла книгу?

– Да, нашла.

«Интеллектуал ринг» ўқитувчи томонидан муомала одобига доир берилган саволларга таълим олувчиларнинг кетма-кет, тартибли жавоб беришлари асосида ўтказилади.

Хулоса. Шундай билимлар борки, улар тезда укиб олинади. Сен ва сиз ҳақидаги билим шулар жумласидандир. Лекин нуткий мулоқот одобига доир айрим билимларни бу тарзда ўргатиш етарли эмас: уларни вақти-вақти билан мустаҳкамлаш ва такрорлаб бориш зарур бўлади.

Қийинроқ ўзлашадиган билимларни мустаҳкамлашда лексик ва грамматик машқлар,

масалан, нукталар ўрнига керакли сўз ёки иборани қўйиб ўқиш ҳамда қўчириш, намуна асосида диалогик матн тузиш каби машқ турлари таълим олувчиларни реал ҳаётий мулоқотга етарлича тайёрлай олмайди. Чунки турмушда лўкмалар шўнчаки бўйрук-истак, сўроқ ва дарак гаплар оҳангида эмас, балки алоҳида оҳанг жиолари билан айтилади, тавозе ҳаракатлари билан қўшиб адо этилади. Юкоридаги машқ турларида ана шу жиҳатлар эътибордан четда қолади. Бу ўринда ролларни ижро этиш билан боғлиқ машқларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаган бўлардик.

АДАБИЁТЛАР

1. Мухитдинова Х. Ўзбек тилини ўқитишда узлуксизликни таъминлашнинг илмий-методик асослари. Монография. – Тошкент: «Фан ва технология», 2008, 56-б.
2. Жумашева Г.Х. Формирование основ культуры общения дошкольников на каракалпакском языке в условиях двуязычия средствами театрализованных игр: Автореф. дисс. ... канд.пед.наук. – Ташкент: 1996. – С. 5-7.
3. Ипполитова Н.А. Этические нормы как предмет изучения в школе // Рус.яз. в школе. 2014. № 4. С. 7– 11.

ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

Журнал олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, докторант, аспирант, юкори курс талабалари, илмий ходимлар, илмий текшириш муассасалари ходимлари ҳамда халқ хўжалигининг турли соҳаларида хизмат қилаётган ходимларга мўлжалланган.

Журналда илмий-тадқиқот ишларининг натижалари, ечимини кутаётган масалалар акс этган мақолалар, бошқа мамлакатлардаги фан ва техникага оид янгиликлар, ЎзМУ ва бошқа олий ўқув юртларида ўтказиладиган конференциялар ва анжуманлар ҳақида ахборотлар, илмий хабарлар чоп этилади.

Ўзбекистон Республикаси Мағбуот ва ахборот агентлиги томонидан 02-0071 гувоҳнома билан рўйхатдан ўтган.

ЎзМУ «Редакция-нашриёт» бўлими компютерида саҳифаланди.

Журналнинг баҳоси келишилган нархда. Индекс 752074.

Манзилимиз: Тошкент-700174, Талабалар шаҳарчаси-174, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, бош бино, 6-қават, 61-хона.

Тел. (ички): 347

Босишга рухсат этилди: 07.05.2020 й. Бичими 60x84 1/8. Нашр 28,5 б.т.

Буюртма №74. Адади 85 нуска. ЎзМУ босмахонасида чоп этилди.